

## ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Султонбоева Мунира Баҳодировна

Тошкентдаги Турин Политехника Университети,  
«Ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси доценти, DSc.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инвестиция фондлари иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш учун ва пул маблағларига эҳтиёжи мавжуд ортиқча пул маблағларига эга хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни амалга оширишга хизмат қилувчи асосий молиявий муассаса бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда мазкур муассасалар самарадорлигини оширишда инвестиция фондлари ҳаракати ва уларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, инвестиция фондлари пул оқимларининг истиқболдаги стратегияларини асослаш, уларни тартибга солишнинг инновацион йўналишларини ишлаб чиқиш, инвестиция жараёнини кучайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, самарали инвестиция сиёсатини амалга оширишда институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш каби асосий илмий йўналишларга эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозори аҳоли пул жамғармаларининг инвестицияларга айланишини таъминловчи энг самарали институтлардан бири бўлиб қолиш билан бирга, реал сектор корхоналари учун инвестиция ресурсларини жамлаш ва тақсимлаш вазифасини ҳам бажармоқда. Одатда инвестиция фонди маблағларини жойлаштириш билан ўз хизмати учун муайян мукофотларга эга бошқарувчи компания шуғулланади. Инвестиция фондларининг бундай тарзда фаолият юритиши турли хавф хатарлар билан боғлиқ бўлса-да, улар инвесторлар (фонднинг пайчи ва акциядорлари) учун кенг имкониятларни тақдим этади.

Биринчидан, биржалар орқали қимматли қоғозлар билан ишлашга етарлича пул маблағларига эга бўлмаган, яъни кичик жамғармали инвестор инвестиция фондлари орқали мамлакат иқтисодий ривожланишида иштирокчига айланади. Инвестиция фондининг молиявий маблағлари бир неча юзлаб компанияларнинг қимматли қоғозларига жойлаштирилади, инвестор эса кичик миқдордаги жамғармаси билан мазкур компанияларнинг иқтисодий ўсишидан даромад кўради.

Иккинчидан, фонд бозори воситалари билан ишлашда умуман тажриба ва малакага эга бўлмаган оддий уй бекаси ҳам уларнинг маблағларини




жойлаштирувчи ва даромадларини оширишга хизмат қилувчи юқори малакали мутахассисларнинг сифатли хизматларидан баҳраманд бўлади. Бу ўринда масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, инвестор ва бошқарувчи компаниянинг манфаатлари ўзаро мос келади ва фонд даромадининг муайян қисми бошқарувчи компанияга берилиши боис унинг фаолияти қўйилмаларни оширишга қаратилади. Бу эса, банк депозитларига пул маблағларини жойлаштиришга нисбатан маълум афзалликларни беради.

Учинчидан, инвестиция фондининг ҳиссадорига айланиш билан инвесторнинг инвестиция фаолиятидаги таваккалчилик даражаси камаяди. Бунинг боиси шундаки, инвестор кичик жамғармаси билан юқори даражада диверсификацияланган қимматли қоғозлар портфелига эга бўлмагани ҳолда инвестиция фондларида бундай имконият мавжуд бўлади. Инвестиция фондлари одатда пай ва акциядорлик шаклларида ташкил этилиб, пай инвестиция фондлари очик, ёпиқ ва оралик кўринишларда бўлиши мумкин.

Кўплаб мамлакатларда инвестиция фондларини ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, инвестиция фондларининг турли юридик шакллари ва таркибий тузилиши ушбу мамлакат ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан юзага келади. Бу эса инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги маълум мақсадларнинг турли ҳуқуқий тизимлар орқали таъминланишига олиб келади ва инвестиция фондларини самарали тартибга солиш мақсади учун мос келувчи ягона ҳуқуқий тизим ҳозирда мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Ҳудудий инвестиция фондларини ташкил этишда давлат ва хусусий сектор маблағларининг интеграцияси билан бирга аҳоли пул маблағларини жалб этиш орқали соҳани ривожлантириш зарурдир. Бу борада, фаолиятни бир неча босқичларни эътиборга олган ҳолда амалга ошириш лозим (1-расм).



1-расм. Инвестицияларни жалб қилиш модели



Худуднинг молиявий инфратузилмаси институционал нуктаи назардан минтақанинг молия институтлари сифатида инвестиция фаоллигини оширувчи марказий бўғин ҳисобланади. Шу боисдан, институционал ўзгаришларни амалга оширишда унинг ҳуқуқий асосларини ҳам параллел такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса давлат, банк ва нобанк молия институтларининг фаолиятини қамраб олади. Ушбу омиллар иқтисодийнинг ривожланишида муҳимлиги билан алоҳида ажралиб туради. Аммо амалий ва молиявий фаолликни ривожлантириш эса молия институтлари сонини кўпайтириш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишни тақозо этади. Бу бир томондан инвестиция жозибадорлигини мустаҳкамласа, иккинчи томондан молия институтлари шаклланишига янги ёндашувни талаб этади.

Аҳоли пул маблағларини инвестиция фондларига йўналтиришда ихтисослашган инвестицияларни жалб этиш агентлигини ҳам шакллантириш зарур тақозо этмоқда. Агентлик инвестиция фондлари худудий шакллари ташкил этишда услубий-методологик асосларни яратади ва улар фаолияти илмий-техник асосларини такомиллаштиришга кўмаклашади, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга ёрдам беради ва имкониятларни баҳолашда муҳим ўрин тутаяди. Ўз навбатида, мазкур агентликнинг ҳам фаолиятини баҳолаб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Султонбоева М.Б. Investment funds: International experience and prospects of development in Uzbekistan // Халқаро молия ва ҳисоб, - Т., 2017. №1. – 1-7-б.
2. Султонбоева М.Б. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари // автореферат, - Т., 2018. 20-22-б.
3. Pulatova M., Sul-tonboeva M. The practice of attracting foreign investment to Uzbekistan and ways of its development. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Year: 2020, Volume: 10, Issue: 4. First page:(515) Last page:(522) //Online ISSN. – С. 2249-7137.
4. «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси»нинг [deponet.uz](http://deponet.uz) сайти.

